

ШАРТНОМА № 7

« 05 » январь 2022 йил

Яйлан шахар

Ўзбекистон тумани МТБ номидан раҳбар **Х.А.Кўзиева** бундан буён бир томондан «Харидор» деб юритилади, Низом асосида харакат килувчи, иккинчи томондан **“BAROKATLI IBROXIMJON XOLI”** хусусий корхонаси номидан раҳбар **О.Эргашев** Низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва куйдагилар хакида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса тұловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сунг кабул килиш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

т/р №	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Сут	Литр	30236	4300	130014800
2	Сметана	Литр	1038	8000	8304000
3	Творог	Кг	1604	12000	19248000
4	Катик	литр	8048	8000	64384000
	Жами:				221950800

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: **(221950800)** Икки юз йигирма бир миллион түккиз юз эллик минг саккиз юз сум

I.ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 30% микдорида, етказиб берилгандан сунг товар учун 70% микдорида пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган холда кўшимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сунг товарни 1 ой муддат ичida «Харидор»га етказиб бериши шарт.
(товар етказиб бериш муддати)

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган холда ўз вактида «Харидор»га товарни етказиб бериш;
- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидани бузилганда берилган маҳсулотни кайтариб олиб кўйиш хуқуқига эга;
- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш олгандан сунг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичida алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини кайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варакларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варакларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириши шарт.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган холда тўлбвларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва конун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вактида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аникландан кейин, бу ҳакда далолатнома ёзилиб 10 кун ичida «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-вараклар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Конунчилигига шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблағи бўлган холда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0.5% микдорида «Харидор» га пеня тўлайди, лекин пеня микдори шартнома кийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбор тараф 5% микдорида жарима тўлади.

БИР ЎЗОС АДДАСИ № 20

7.4. «Харидор» олинган товар учун тўловни ўз вактида амалга оширмаса кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган сумманинг 0.4% микдорида «Сотувчи»га пеня тўлади, бунда пенянинг умумий микдори кечикирилган сумманинг 50% дан ортик бўлмаслиги лозим.

7.5. Текширув органлари томонидан маҳсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда ўргадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

81. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги холатларга: сув тошкени, ёнгин, ер кимирилаци ва бошка табиий оғатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошка, ҳар қандай холатлар тегишилди.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф килиб бўлмайдиган куч 1 (бир) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиш мумкин.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил « 05 » январдан 2022 йил «31» январгача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, ғазначилик бошқармаси (бўлим)дан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

X. КУШИМЧА ШАРТЛАР

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотувчи»

“BAROKATLI IBROXIMJON XOLJ”

хусусий корхонаси

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Яйпан шаҳар Нодира кўчаси

Тел./факс

х/в: 20208000905330783001

Банк номи Халқ банки Ўзбекистон
филиали

МФО: 00792 СТИР: 307326885

«Буюртмачи»

Ўзбекистон тумани МТБ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Яйпан шаҳри Зиёкор кўчаси №98

Телефон

Шхр :100022860302307091100251048

Олувчи ИНН 305153082 ОКОНХ 924000

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ғазначилиги

Ғазна х/р 23402000300100001010

Банк номи: Тошкент ш, Марказий банк Тошкент

ш.ХКМ

МФО: 00014 ИНН:201122919

Рахбар

О.Эргашев

Рахбар

Х.А.Кўзиёва



Ўзбекистон тумани ЮХКМ Бош юристконсультi:

Б.Турғунов





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI

O'ZBEKISTON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151800, O'zbekiston tumani, Ziyokor ko'chasi, tel.: (998 73) 539 15 38,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022 yil 06 yanvar.

Yaypan shahri.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Sharhnomma.
2. Loyihaning mazmuni: Budjetdan mablag' oluvchi muassasalarda oziq-ovqat maxsulotlarini sotib olish bo'yicha.
3. Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: Maktabgacha ta'lim bo'limi.
4. Loyiha 05.01.2022-yil kuni ishlab chiqilgan va shu kuni markazga taqdim etilgan.

Loyihada tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan «BAROKATLI IBROXIMJON XOJI» xususiy korxonasidan umumiy qiymati 221 950 800 (ikki yuz yigirma bir million to'qqiz yuz ellik ming sakkiz yuz) so'mlik oziq-ovqat mahsulotlarini sotib olish nazarda tutilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 27 sentyabrdagi PQ-3953-son qarori bilan tasdiqlangan Davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan-to'g'ri sharhnomalar bo'yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar) ro'yxatining 27-bandida, davlat xaridlari sohasidagi vakolatli organ bilan kelishilgan ro'yxat bo'yicha davolash-profilaktika va ta'lim muassasalari tomonidan oziq ovqat maxsulotlarini sotib olish uchun to'g'ridan-to'g'ri sharhnomalar tuzishi mumkinligi ko'rsatilgan.

Yuqoridaqidardan kelib chiqib;

X U L O S A

O'zbekiston tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan taqdim etilgan ushbu 7-sonli sharhnomma loyihasi huquqiy ekspertizadan o'tkazildi, loyihani tuzish amaldagi qonunchilikka muvofiq deb hisoblanadi.

**O'zbekiston tuman YXKM
bosh yuriskonsul'ti**



M.Utanov